

“ЖАМОАТ ИШЛАРИДА ФАОЛ...”

3-бетда

ОТА-ОНАГА МЕХР КЎРСАТИШ

6-бетда

САВОП ОРТИДАГИ МАЛОП

7-бетда



2017 йил –

ХАЛҚ БИНАН МУНОҚАТ ВА

ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ

Оила **Ва**

Оила соғлом ва бахтли бўлса, бутун жамият барқарор ва фаровон бўлади.

Ислом КАРИМОВ

Жамият

32 (1339)-сон 16 август 2017 йил

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

МАКТАБ БОЗОРИДАГИ МОЖАРОЛАР

ЎН БИР ЯШАР
ҚИЗ УЧУН

САККИЗ ЯШАР
ЎГИЛ УЧУН

45 минг
сўмга оқ
кофта

130 минг сўм
КОСТЮМ-ШИМ

100 минг
сўмга
сумка

33 минг сўм
оқ кўйлак

7 минг
сўмга
бантик

90 минг
сўм
сумка

60 минг
сўмга юбка

65 минг сўм
туфли

85 минг сўмга
спорт кийими

35 минг сўм
кета

85 минг сўм
спорт фор-
масы

14 минг сўмга
бошқа зарур нар-
салар

Пайпоқ, майка,
ички кийимлар
учун 42 минг
сўм

Жами
311 минг сўм

Жами
480 минг сўм

Инфографик А.Маликов.

5-бетда

УШБУ СОНДА:



КЕЛИШАЙЛИК!

ёхуд қинғир йўлни ўзимиз танламаяпмизми?

4-бетда

**ШАЙТОННИНГ
ШОГИРЛАРИГА АЛДАНМАНГ**

ёхуд фолбин ва соҳрагларнинг жамиятга зарари хусусида



6-бетда

**“БОҒ”И БОР,
“БОҒБОН”И ЙЎҚЛАР**



“Болаларнинг отаси номида ҳеч қандай уй-жой йўқ экан”, деган ваз-қарсонни эшитган келинлар тирик етим болалари билан ўша фарзандлар дунёга келган уйдан мосуво қилинаётганини адолатга йўйиб бўладими?!

8-бетда

СОҒЛОМ ОИЛА БЕКАЛАРИ – КЕЛАЖАКНИНГ ЭҒАЛАРИ



Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан жорий йилнинг 7-12 август кунлари, “Халқаро ёшлар” кuni муносабати билан, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва БМТнинг Аҳолишунослик бўйича жамғармаси ва бир қатор жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 26 йиллиги муносабати билан “Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон” шиори остида “Ёш оилалар ва қизлар” I Республика форуми ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги



фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, қизларни юксак одоб-ахлоқ тамойиллари асосида тарбиялаш, касб-ҳунарга

ўргатиш, уларнинг кийиниш ва муомала маданиятини ошириш, онги ва қалбини ғоявий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида ташкил этилган мазкур форум фаол қизлар қаторида республикаимизнинг барча ҳудудларидаги, айниқса, чекка қишлоқлардаги иқтидорли қизларни ҳам ўз атрофида жиқлаштира олгани билан аҳамиятли бўлди.

Форум доирасидаги тадбирларда



қизларимизни оилага, жамиятга, давлатга муносиб қилиб тарбиялашда ҳар бир киши масъул эканлиги алоҳида таъкидланди.

Сенатор, депутат ва турли соҳаларда фаолият юритиб келаётган раҳбар аёллар, “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси ва Республика “Хунарманд” уюшмасининг турли йўналишларда фаолият юритаётган таниқли вакиллари иштирокида ташкил этилган “Мен ҳам етакчи бўламан!” “Фан-таълим – келажак пойдевори”, “Оилам китоб ўқиса”, “Ким нимага қодир?”, “Соғлом турмуш тарзи” каби акциялар, давра суҳбатлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

“Ёш оилалар ва қизлар” I Республика форумининг якуний босқичида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ёш оилалар ва қизлар билан ишлаш бўйича стратегияси” тақдими ҳамда “Қизларжон” клубининг очилиши бўлди.

Форум доирасидаги тадбирлар мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлиб ўтди ва уларда 3 мингга яқин ёш оилалар вакиллари, хотин-қизлар, шунингдек, уюшмаган қизлар иштирок этди.

Форумда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Т. Норбоева сўзга чиқди.

Ўз мухбиримиз

МЕҲР-МУРУВВАТ ДАН НУРАФШОН КЎНГИЛЛАР

Энг улғу, энг азиз айём – Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган мурувват тадбирларида имконияти чекланган фуқароларнинг бир гуруҳига Президент совғаси – замонавий уйлар берилди.

“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастури ижроси доирасида амалга оширилаётган тадбирларнинг барчаси халқимизга хос меҳр-оқибат, бағрикенглик, мурувват ва саховатпешалик каби олижаноб фазилатларни ўзида мужассам этган. Бу Халқ қабулхонаси томонидан оддий одамларнинг ҳаётий талаб ва эҳтиёжларини қондириш борасида олиб борилаётган ишларда ҳам ўз ифодасини топаётир.

Жиззахда эҳтиёжманд оилалар, жисмоний имконияти чекланган фуқароларга Президент совғаси – янгиланган намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган уй-жойларни тантанали топшириш маросимида ҳам бундай фазилатларни янада яққол намойён бўлди.

Шароф Рашидов туманидаги Учтепа массивида 24 хонадонга мўлжалланган икки қаватли янгиланган лойиҳа асосида замонавий уй қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу уйнинг ҳар бири 2-3 хонадан иборат 6 хонадони эҳтиёжманд фуқароларга берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Жиззах вилоятидаги Халқ қабулхонаси, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла фаоллари, кенг жамоатчилик иштирок этган тадбирда мамлакатимизда аҳолини қийнаётган муаммоларни жойида ҳал этиш, оғирини енгил қилиш борасида кўрсатилаётган ғамхўрликлар уларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашига хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

– Ўз уйимга эга бўлиш мен ва оилам

уқун қутилмаган бахт бўлди, – дейди А.Низомов. – Уч фарзандимиз билан уй-жойсиз бировларнинг омонат бошпаналарида вақтинчалик яшашнинг ўзи бўладими? Уч хонали шинам уйга эга бўлганимиздан кўксимиз осмон қадар кўтарилди. Бундай эзгу ишлар бошида турган давлатимиз раҳбарига, ҳукуматимизга раҳмат.

Эр-хотин Низомовлар оиласи шу кун ишли ҳам бўлди. Туман ҳокимлиги кўмагида улар ҳудуддаги пахта тозалаш корхонасида шартнома асосида иш бошлади.

Янги уйлардан бири тумanning Қўшқўприк маҳалласида акалари билан тор ҳовлида яшаб келаётган Жасур Рашидовга берилди. Ўзи ҳам, турмуш ўртоғи ҳам ногирон бўлгани боис алоҳида уй-жой қилиб чиқиб кетиш имконини қилолмаётган эди. Халқ қабулхонаси тавсияси билан унинг мурожаати ишчи гуруҳ томонидан ўрганиб чиқилди ва янги уйдаги 3 хонали хонадонлардан бири унга ажратилди.

– Тўрт мучаси соғ одам ҳаракат қилса, ўзига бошлана қилиб олади, бироқ меҳнат қобилияти чекланган инсон ўзгалар кўмагига муҳтож бўлиб қолар экан, – дейди Ж.Рашидов. – Бахтимга шундай бағрикенг юртим, халқпарвар Президентимиз борлиги учун шукр қиламан. Эҳтиёжманд оилалар, кўнгли ярим инсонларга бахтиёр яшаш қувончини бахш этаётган, инсон шаъни, қадр-қиммати улуғланадиган Ватан фуқароси эканимдан фахрланаман.

– Тақдир мени ногирон қилиб яратгани етмагандай, яқинларим йўқлиги тугайли ҳаётим изтиробдан иборат эди. Қирқ йил умрим бировларнинг хонадонидан ўтди. Халқ қабулхонасига қилган мурожаатим эътиборсиз қолмай, Президентимиз томонидан менга 2 хо-



на уй барча жихозлари билан совға қилинди. Ногирон бўлсам-да, кўлимдан иш келади. Пахта заводида касаначилик асосида ишга қабул қилиб, тикув машинаси берилди. Давлатимизнинг бу яхшиликларига ҳалол меҳнатим билан жавоб бераман, – дейди икки хонали уйга эга бўлган Муҳайё Холбоева.

Давлатимиз томонидан инсон манфаатларини таъминлаш, аҳолининг барча қатлами турмуш фаровонлигини янада юксалтириш, айниқса, кам таъминланган ва ўзгалар кўмагига муҳтож инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб турмуш шaroити яратишдек олижаноб мақсадга қаратилган аниқ манзилли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу эзгу мақсад Ватанимиз мустақиллиги байрамига бағишлаб вилоят ҳокимлиги, Халқ қабулхонаси жамоатчилиги вакиллари иштирокида

Жиззах шаҳридаги “Баҳора” тантаналар мажмуасида жисмоний имконияти чекланганлар учун ўтказилган учрашувда ҳам ўз ифодасини топди.

Учрашувда 28 ногиронга имтиёзли кредит асосида уй-жойга эгаллик қилиш ҳуқуқини берувчи сертификат топширилди. Эҳтиёжманд фуқаролардан 46 нафарига катталар, 15 нафарига болалар ногиронлик аравачаси, 17 нафарига эшитиш мосламаси ва бошқа воситалар топширилди.

Шу кун Зомин туманидаги Мурувват уйда истиқомат қилувчилар билан учрашув ва байрам тадбири ўтказилди. Меҳр-мурувватга эҳтиёжманд аёллар давлатимиз эътибори ва ғамхўрлигидан кўнгиллари кўтарилиб, юртимизга тинчлик, фаровонлик тилаб дуо қилди.

Тадбирларда Жиззах вилояти ҳокими У.Узоқов сўзга чиқди.

Тошқул БЕКНАЗАРОВ, ЎЗА

ҲУНАРЛИНИНГ РЎЗҒОРИ ГУЛДИР



Гулнора Тўраева,
Жиззах вилояти ҳокими
ўринбосари, Хотин-қизлар
қўмитаси раиси

Оилалар фаровонлигини ошириш, хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш ва муаммоларини ҳал этиш борасида «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида жойларда ола-сингилларимизнинг турмуш тарзи, оиласидаги ижтимоий-иқтисодий ва маънавий муҳит ўрганилиб, мажбур муаммолар ўз ечимини топмоқда.

Президентимиз ҳар бир маърузасида хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини янада яхшилаш, аёлларнинг жамият ҳаётидаги роли ва нуфузини юксалтириш, хотин-қизларни касб-ҳунарга ўргатиш, уларнинг бандлигини таъминлаш, оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилашга алоҳида эътибор беришимиз кераклигини таъкидламоқда.

Жиззах вилоятида ҳам бу борада хотин-қизлар қўмитаси давлат ва жамоат ташкилотлари «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бошқаруви, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши, «Қалб нури» маркази вилоят бўлими, «Истиқболли авлод» нодавлат нотижорат ташкилоти ҳамкорлигида

бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Вилоятимизда авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий ҳунармандчилик турларини ривожлантириш орқали хотин-қизлар бандлигини таъминлашга эришилмоқда. Боболар ва момолардан мерос, вилоятимизга хос бўлган ҳунармандчилик турлари: Бахмал туманида гиламдўзлик, Шароф Рашидов туманида бешикчилик, сандиқчилик, заргарлик, косиблик, қулоччилик, қуроқчилик, миллий кийимлар (чопон, ятак, дўппи), каштачилик, Арнасой туманида темирчилик, ўймакорлик, Пахтакор туманида заргарлик, косибчилик, темирчилик, Зомин, Ғаллаорол туманида қуроқчилик, зардўзлик, Жиззах шаҳрида тикувчилик, тўкувчилик каби ҳунарлар тобора ривожланиб бормоқда.

Ҳар йили касб-ҳунар коллежларининг битирувчилари «Ҳунарманд» уюшмаси вилоят бўлимида амалиёт ўташади. Ҳунармандчиликка қизиқиши бўлган битирувчилар танлаб олиниб, ҳар битта ҳунармандга бириктирилади.


Бундан ташқари шаҳар ва туманлардаги бандликка кўмаклашиш марказлари билан ҳамкорликда «Устоз-шогирд» анъанаси бўйича ўқитиладиган ёшларга стипендия ва иш ҳақи белгиланиб, ўқув курсини тамомлаган битирувчиларга сертификатлар топширилмоқда.

Аёлларимиз ўзлари яратган маҳсулотларини сотувга чиқариб, қўшимча даромад топишмоқда. 2016 йилда Хотин-қизлар қўмитаси ташаб-

буси билан ўтказилган «Кўли гулдир ўзбек аёли...» тадбирида шаҳар, туманларда яшовчи ҳунарманд хотин-қизларимизнинг ўн кунлик кўргазмасавдоси ташкил қилинди.

Шаҳар, туманларда яшовчи кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг 26 нафар қизлари «Қалб нури» маркази томонидан Жиззах шаҳридаги «Элегант» ўқув марказида имтиёзли равишда касб-ҳунарга ўқитилмоқда.

«Қалб нури» маркази ҳамда ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида ўз бизнесини йўлга



қўймоқчи бўлган 66 нафар қизга маслаҳатлар берилиб, жорий йилнинг 6 ойида 35 семинар ва бизнес-тренинглар ўтказилди. Уларда 730 га яқин битирувчи қизлар иштирок этишди.

Ҳунармандчилик билан шуғулланаётган қизларимиз кўриктанловларда совринли ўринларни қўлга

ЖАРАЁН

киритилмоқда.

1991 йилда Шароф Рашидов туманида, ҳунармандлар оиласида дунёга келган Дилноза Туропованинг бобоси Туроп ота Зокиржонов ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланган. Отаси Тўлқин ака Зокиржонов тарихий меъморий обидаларни бунёд этиб, уларга зоб бериб, ноёб санъат асарларини яратган.

Ёш бўлишига қарамай, ота-боболари изидан бориб, ҳайкалтарошлик ва қулоччилик билан шуғулланиб келаётган Дилноза «Ташаббус-2013» кўриктанловнинг Республика бўсқичида «Энг яхши тадбиркор аёл» номинацияси бўйича Президент совринига эга бўлган. 2013 йилда қуллолар ўртасида ўтказилган танловнинг Республика бўсқичида иштирок этиб, «Энг ёш қулло» номинацияси бўйича ғолиб бўлган.


Дилноза бугунги кунда ўз маҳалласидаги ёшлар қалбиди санъатга қизиқишни ошириш мақсадида 30 дан ортик шогирдларига қулоччиликнинг сир-асрорларини ўргатиб келмоқда.

Ёшлар билан ишлашда, қизлар тарбиясида самарали меҳнати билан элда ҳурмат толган, маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда самарали меҳнат қилиб келаётган фидойи аёлларимиз, кайвони онахонларимиз кўмагига таянамиз.

МУЛОҲАЗА

Ишга жойлашмоқчи бўлган мутахассисга кўпинча у ёки бу ташкилот тавсифнома бераркан, албатта, «жамоат ишларида фаол», деган таърифни келтиради. Ҳўш, у кўнгилли сифатида жамоат учун қандай ишларни амалга оширди – буёғи номаълум.

Қоидаси шунақа – жамоат ишларида фаол. Бу ҳолатга кўнчилик аҳамият бермайди. Бироқ... Яқинда нодавлат



нотижорат ҳамда жамоат ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ўтказилган йиғилишда мазкур ташкилотлар фаолиятини янада яхшилаш бўйича таклиф, фикр-мулоҳазалар билдирилди. Аксар нодавлат нотижорат

“ЖАМОАТ ИШЛАРИДА ФАОЛ...”

ҳақиқатан ҳам шундайми?

ташкилотлари вакиллари кўнгиллилар билан ишлашда муаммолари борлигини, бу бўйича уларга ёшлар ташкилотлари, таълим муассасалари ёрдам беришини сўраб мурожаат қилишди. Яъни, аҳолининг маълум бир қатламига

давомида ҳам шунга яқин фикрлар билдирилди. Аини пайтда фуқаролар йиғинларида оилалардаги маънавий, иқтисодий, экологик муҳитни янада яхшилаш мақсадида саккизта комиссия ташкил этилган. Мазкур комиссия аъзолари жамоатчилик асосида фаолият юритиб, улар шу маҳаллада истиқомат қилувчи, обрў-эътиборга эга фуқаролардан танлаб олиниши керак. Афсуски, маълум бир қорхоналарда ишлайдиган бу каби инсонлар оқсоқолларга ёрдам бериш ўрнига: «Кўйинг, ўзи шундоғам ишим кўп», дея ўзини маҳалла ишидан олиб қочади. Лекин кези келиб маҳалладан тавсифнома олиши лозим бўлганда маҳалла раиси унга ҳам: «Жамоат ишларида фаол», деган чиройли жумлалар битилган маълумотнома тақдим этади.

Хорижда яшайдиган бир оила вакиллари билан сўхбатлашганимда, улар фарзандларини мактаб, коллежда ўқиб юрганидаёқ турли нодавлат ташкилотларда кўнгилли бўлиб ишлашига шароит яратишни гапириб беришди. Аввалига фарзандларининг ўзида меҳр-мурувват ишларига мойиллиги бормикан, деган ҳаёлга бордим. Ҳақиқий аҳволни кейин тушунтиришди.

Баъзи хориж давлатларида маълум ихтисослик бўйича ўрта ёки олий таълимни тутатган ёшлар ишга қираётган-

да уларнинг жамоат ишларида фаолиги катта аҳамият касб этаркан. Яъни, уларга: «Жамоат ишларида фаол», деган таъриф шунчаки, ҳўжақўрсинга ёзиб берилмайди. Кўнгилли сифатида ишлаганини тасдиқловчи ҳужжат мазкур жумлага илова қилинади. Қарабсизки, ёшлар ҳали таълим муассасасида ўқиб юрган кезларидаёқ турли хайрия ишларида иштирок этади. Бунинг фойдали томонлари кўп. Аввало унинг жамият ҳақидаги тасаввурлари янада кенгайди, қолаверса, кимгадир ёрдами тегиши орқали ўзига нисбатан ишонч пайдо бўлади. Вақти келиб, яхшироқ ишга жойлашиши учун унинг жамоат ишларидаги фаоллиги жуда асқотади.

Бир қараганда оддийгина механизм. Бу усулни ўзимизда ҳам қўллаш фақат ижобий натижа беради. Эҳтимол, шунда аҳолининг маълум қатлами учун хайрли ишларни амалга ошираётган нодавлат ташкилотлари жамоатчилар билан ишлашда қийинчилик туғилмасмиди. Аслида хайрли иш бу фақатгина бошқаларга молиявий кўмаклашиш дегани эмас. Ўз билиминг, ҳаракатинг, тажрибанг билан атрофдагиларга ёрдам бериш ҳам хайрли ва эзгу амаллардан биридир.

Гулруҳ МЎМИНОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири



ёхуд қинғир йўлни ўзимиз танламаяпмизми?

Одатдаги дам олиш кунларидан бирида эшик кўнғиргоғи жиринглаб қолди. Туман газ идораси ходимлари экан.

— Ака, газдан қарзингиз 186 300 сўм бўлибди. Мана сизга оғохлантириш хати, уч кун ичида тўламасангиз, хонадонингиз газ тармоғидан узилади, — деди новчадан келган йигит қатъий охангда.

— Шошманг, ака. Бугун шанба, душанба куни пластик карточкамга пул тушади, бир йўла ўшанда ўтказиб юборсам бўлмайми? — дедим вазиятни юмшатишга уриниб.

— Бўлмайди, — кескин бош чайқади назоратчи. — Қарзи кўпайиб кетган хонадонларни айланиб юрибмиз. Қўнлик режани топширсак, бизга ҳам гап тегади.

Назоратчи билан гаплашиб, қарзимни сал камайтиришга уриниб кўрсам-чи, деган ўйда атрофга аланглаб, секин унга яқинлашиб:

— Ака, келишайлик! — дедим.

— Мен билан келишгунча қарзингизни тўлаб қўйсангиз бўлмайми, — деди йигит. — Илоҳи бўлса, ҳозир тўланг, ёнимизда терминал бор.

Хуллас, ўша куни оламдан қарз олиб инспектор айтган пулни орғи билан тўлаб юбордим. Елқамдан тоғ ағдарилгандай бўлди. Мана, шу воқеага ҳам бир йилдан ошди.

Ўшандан бери нафақат газ, электр, иссиқ сув, совуқ сув, солиқ ва бошқа коммунал тўловларни ўз вақтида тўлаб боришга ҳаракат қиламан. Эшикка коммунал тўлов бўйича бирон идорадан бир парча хат кистириб кетилган бўлса, дарҳол сабабини суриштириб, охирига етман.

Яқинда бир оғайним ўзини газ идораси инспектори дея таништирган икки йигит билан “келишиб”, 1 000 000 сўм қарзини 500 000 сўм билан “ёпмоқчи” бўлибди. “Аҳоли қарзларини йиғиб юрибмиз”, деган йигитлар бу таклифни бажонидил қабул қилиб, дўстимнинг пластик карточкасида 500 000 сўм ечиб олиб, тўлов қозғи чекини бериб кетишибди. Уч ойдан сўнг газдан яна шунча қарзингиз бор, деб инспекторлар келишибди. Аввалги тўлов чекини уларга кўрсатса, газ учун ечиб олинган пул бошқа бир хусусий фирманинг ҳисоб рақамига тушгани (кейинчалик суриштиришлар натижасида бу фирма ёпилиб кетгани) маълум бўлибди. Ўша фирибгарлар яна 5-6 кишини чув туширишар экан. Исотлай деса, орадан анча вақт ўтиб кетган, дўстим

қандай йўл тутишни билмай, бошини чангаллаб қолаверди.

Бу гапни эшитиб, мен ҳам газ идораси ходимини “келишиш”га ундаганимдан тўғриси, уялиб кетдим. Агар ўша инспектор қарзимни ўз вақтида тўлашни талаб қилмаганида мен ҳам қинғир йўл билан “келишиш”га уни кўндирардим.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: Нима учун ўша устаси фаранг “ҳожатбарорлар” аҳоли орасида юриб, бемалол фирибгарлик қилишади? Чунки уларга бундай шароитни ўзимиз яратиб беряпмиз ва қинғир ишимиз фирибгарлар фойдасига ҳал бўляпти. Қолаверса, тўлланиб кетган қарзимизни янги нарҳида “ёнганимиз” билан идоранинг базасида ўша қарз сақланиб туришига, фирибгар инспектор буни “тўғрилаб” қўя олмаслигига ақлимиз етса-да, кўр-кўрона уларга ишонгимиз келаверади. Мақсад — нима қилиб бўлса ҳам, ишни тезроқ битириш. Қон-қонимизга сингиб кетган бу иллатдан халос бўлишга уринмаймиз ҳам. Кимдир алданганини эшитсак, токи, ўзимиз чув тушмагунча, буни бизга алоқаси йўқдек бепарво қулиб қўяверамиз.

Яқинда шунга ўхшаб воқеа қўшнимнинг ҳам бошига тушибди. “Отам ҳовлисини катта ўғлимга мерос қилиб бермоқчи эди, — дея ўз ташвишини гапириб берди у. — Нотариусга борсам, коммунал тўловлардан қарзи йўқ, деган маълумотнома керак экан. Туман электр тармоқлари идорасига бордим. Қарзи йўқ, деган маълумотномани олишдан олдин ҳисоблагични “Ўзстандарт” агентлиги текширувидан ўтказиш зарур дейишди. Бу бир кунда битадиган иш эмас, эрталабдан кечгача ишда бўлсам, қандай қилсам экан, деб идора ходимидан маслаҳат сўраганимда, ўзимизнинг маҳалла

инспектори: “Давлат стандарти” назоратидан ўтказиб бераман, харажати берамангиз бўлди”, деб қолди.

Ишим осон битаётганидан хурсанд бўлиб инспектор билан 300 000 сўмга келишдик. Ўтган йили нафақага чиқдим. Эрта баҳорда электр ҳисоблагичларни текшириб юрган инспектор ўзимнинг уйимдаги ҳисоблагични ҳам “Ўзстандарт” назоратидан ўтказиш вақти келганини айтди. Куни билан уйда бўлсам, ўзим текширтириб кела қоламан, дедим. Инспектор ҳисоблагични ечиб, тамғалаб берди. Яна шунча харажат қилармиканман, деган хавотирда “Ўзстандарт” агентлигига бордим. Шу баҳонада бу идора қаерда жойлашгани, нима иш билан шуғулланишини ҳам

барҳам берилмоқда. Мазкур Фармон асосида “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюроси”нинг ташкил этилгани туфайли истеъмолчиларнинг газ ва электр энергияси борасида қарздорлигининг олдини олиш тизими яратилмоқда. Бюро ташкил қилинганга қадар соҳада қонунийлик ва ижро интизомини мустаҳкамлаш ишларида йўл қўйилган камчиликлар оқибатида 2016 йил ва 2017 йилнинг 1 чораги давомида содир этилган хукукбузарликлар учун “Ўзбекэнерго” АЖ ва “Ўзтрансгаз” АҚнинг 665 нафар, Суд департаментининг 36 нафар ходими жинойий жавобгарликка тортилган.

Шу муносабат билан “Ўзбекэнерго” АЖнинг истеъмолчилар билан ишлаш бўйича 6562 та электромонтёр штат бирликлари ҳамда “Ўзтрансгаз” АҚнинг табиий газни ҳисобга олиш ва реализация қилиш бўйича 4255 та назоратчи штат бирликлари қисқартирилди.

Бюронинг афзаллик томонлари шун-

КЕЛИШАЙЛИК!

билиб олдим. Ҳисоблагични текшириб кўрган мутахассис кассага 26000 сўм давлат божи тўлашимни, уч кундан кейин ҳисоблагични олиб кетишимни айтганида, ўтган йили ўша инспекторга 300 000 сўм пулни бериб юборганимдан афсусланиб кетдим. Шундан сўнг газ, иссиқ сув, совуқ сувга қўйилган ҳисоблагичларни ўзим олиб бориб, назоратдан ўтказиб келишни одат қилдим.

Рўпарамиздаги уйда яшайдиган қўшним Ольга хола кекса бўлишига қарамай, фарзанди, набираларига ҳам ишонмайди, пенсиясини олган кунийёқ ҳар бир идорага ўзи бориб, қарзларини ойма-ой тўлаб келади. Эшигини тақиллатиб келган инспекторларнинг ҳеч бирига ишонмайди. Бизга ўхшаб биров билан “келишиш” унга ёт. Коммунал тўловлардан ҳам қарзи йўқ. Аслида намунали истеъмолчи бўлишни шу онахондан ўрганишимиз керак. Сабаби, йиллаб тўлланиб қолган қарзимизни тўлаш учун қайси идорага борсак, қўлида тўлов чеки билан навбатда турган Ольга холанинг тенгдошларига дуч келамиз. “Арзимаган пулни тўлаш учун шунча навбат қутиб туриш шартмикан”, дея ўзимизча қулиб ҳам қўямиз. Лекин улар қарздор бўлишни ёмон кўришади.

Юқорида келтирилган иллатларга қарши курашиш, давлат мулкини талон-тарож қилинишининг олдини олиш мақсадида жорий йил 29 майда Президентимиз томонидан қабул қилинган “Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони айти мудоао бўлди. Эндиликда хусусий хонадонлардан ташқари, корхона ва ташкилотларда ҳам ечимини қутаётган муаммоларга

даки, энди ҳам истеъмолчи, ҳам назоратчи инспектор томонидан ҳеч қандай ноқонуний фаолиятга йўл қўйилмайди. Қинғир йўл билан “келишиш”га уриниш аниқланса, иккала томон ҳам жинойий жавобгарликка тортилади. Бундан кейин жисмоний ва юридик шахсларга энергия ресурслари учун қарздорлиқни бартараф этиш ҳақида бажарилиши мажбурий бўлган талабномаларни юбориш билан бирга электр ва газ тармоқларидан қарздорлиги сабабли узиб қўйилгач, қайта уларда истеъмолчи — жисмоний шахслардан энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорида, юридик шахслардан эса энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида жарима ундирилиши фармонда белгилаб қўйилган.

— Энди газ, электр учун иккала идоранинг ходимлари ҳам уйма-уй кириб, қарз йиғиб юрмайди, — дейди “Ўзбекэнерго” АЖнинг Ўзбек энергия сотиш филиали етакчи муҳандиси Дилшод Юсуфалиев. — Истеъмолчиларнинг ўзлари ҳар ойнинг 10 санасига қадар ишлатган электр энергияси ва газ ҳақини олдиндан тўлаб боришлари мумкин. Илгари турли қинғир ишлардан ташқари, қарздорлиқни бартараф этиш жуда мушкул масала эди. Президентимиз ташаббуси билан Бюронинг ташкил этилиши бизнинг соҳада анча энгиллик яратди. Айти пайтда бундай ваколатнинг “Ўзбекэнерго” АЖ ва “Ўзтрансгаз” АҚдан олиниб, Бюрога ўтказилиши электр, газ узатиш ва газ тақсимлаш тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-тарож ҳолатларини аниқлаш, энергия ресурслари учун тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ундирилиши, истеъмолчилар қарздорлигининг олдини олишда қутилган самарани беряпти.

Хулоса қилиб айтганда, газ, электр энергияси умуман, бошқа коммунал тўловларни амалга оширишда аввало, ҳар бир истеъмолчи бу жараёнга виждонан ёндашиб, инсоф билан иш тутиши керак. Йўқса, қарз қарзни қақираверади. Қарзи тўлланиб кетган одам оқибатда билиб-билмай яна ўша қинғир йўл билан “келишиш”га уринади. Келинг, яхши коммунал тўловларни ўз вақтида тўлашга, намунали истеъмолчи бўлишга ҳаракат қилайлик, ана шунда хотиржам ухлаймиз. Бу ишимиз биринчи навбатда ўзимизга ҳам, давлатга ҳам фойда келтиришини, табиий бойликларимиз эса қанчадан-қанча машаққатлар эвазига келаётганлигини унутмайлик.

Бектош ИСМОИЛОВ,
“Оила ва жамият” муҳбири

“Давлат стандарти” назоратидан ўтказиб бераман, харажати берамангиз бўлди”, деб қолди. Ишим осон битаётганидан хурсанд бўлиб инспектор билан

300 000 сўмга келишдик.

“Ўзстандарт” агентлигига бордим. Ҳисоблагични текшириб кўрган мутахассис кассага 26000 сўм давлат божи тўлашимни, уч кундан кейин ҳисоблагични олиб кетишимни айтганида ўтган йили ўша инспекторга 300 000 сўм пулни бериб юборганимдан афсусланиб кетдим.

БУТУННИНГ ГАПИ

Тошкент шаҳрида яшовчи аҳолининг аксарияти “Отчопар”, “Бек-барака”, “Абу-Сахий” буюм бозорларидан кийим-кечак харид қилишади. Ушбу савдо худуди айниқса, август ойларида хариддорлар билан гавжум бўлади.

Яқинда “Бек-барака” буюм бозорида бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. 12-13 ёшлардаги қиз: “Уша юбкани олиб беринг”, деб хиққиллар, она эса: “Қизим, у жуда калта экан, барибир мактабга кийишга рухсат беришмайди”, дея қизини кўндиришга уринар эди.

Ўрта Чирчиқ туманидан келдим, — дейди Санобар исмли аёл. — Бир ойда саккиз юз минг сўм маош оламан. Маошимни олдим, ўғлим билан қизимни бозорга етакладим. Саккиз яшар ўғлимга Наманганда тикилган костюм-шимни 130 минг сўмга, туфлини 65 минг сўмга, оқ кўйлакни 33 минг сўмга, кетани 35 минг сўмга, сумкани 90 минг сўмга, спорт формасини эса 85 минг сўмга олдим. Пайпоқ, майка, ички кийимлар учун ҳам 42 мингча сарфладим. Қизим бешинчи синфга ўтди. Унга 45 минг сўмга оқ кофта, 60 минг сўмга юбка, 7 минг сўмга бантик, 85 минг сўмга спорт кийими, 100 минг сўмга сумка олди. 14 минг сўмни бошқа зарур нарсаларга сарфладик. Ўғлим учун 480 минг сўм, қизимга 311 минг сўм жами — 791 минг сўмлик кийим-кечак сотиб олдим. Ўқув қуроллари учун пулимиз етмади.

— Ўтган йили қизимга мактаб маъмурияти томонидан сотилган формани олиб бергандим, — дейди Бектемир туманида яшовчи Ойгул исмли аёл. — Қизимга мосини топганимизча уч-тўрт марта мактабга қатнашимга тўғри келди. Қизимнинг бўйи паст, елкаси кичкина бўлгани учун чеварга 20 минг сўм тўлаб тўғрилатдик. Бу йил бошимни оғритмай, бозордан ўзига лойиқ келадиганини олиб бердим.

— Икки фарзандимнинг

пенал 5 мингдан 18 минг сўмгача. Клейнинг энг арзони 2500, бўёқлар 6-16 минг сўм атрофида. Ручкалар донаси 600 сўмдан, расм дафтари 40 варақлиси 12 минг сўм. 12 варақли дафтари доналаб олсангиз 450, улгуржи савдода 200 сўмдан сотилапти.

тай десам, ҳеч бири савдо қилишни истамади.

— Ота-оналар бозорга тушгач, энг аввало бола-сига бош-оёқ кийим-кечак олиб беришади. Дафтар-ручкага келганда пуллари оз қолганини баҳона қилишади, — дея эътироз билдирди Рустам исмли сотувчи йигит. — Бизни ҳам тўғри тушу-

Улар ўзларининг диди, ички оламга эмас, атрофдагиларнинг фикри, эътиборига қулоқ солишади. Телевизорда кўрган машхур инсонларга тақлид қилишади. Уларга ўхшаб кийинсам, мактабда ҳаммани лол қолдираман, деб ўйлашади.

Бозорга боришдан аввал ота-она фарзанди билан келишиб олиши зарур. Ўзининг иқтисодий имконияти, уйдаги шарт-шароит, мактаб талаби ҳақида тушунтирса, бола ҳам ота-она раъйига юради. Агар ота-она мени айтганим бўлади, тамом, шуни қиясан, деб шарт қўйса, бола ҳам қайсарликда ундан ошиб тушади.

Яқинда бир танишим билан мактаб формалари хусусида суҳбатлашиб қолдик. Иккинчи синфга ўтган наварасига форма олиб берибди. Бувининг айтишича, мактаб бу йил янги форма жорий қилибди. Ўтган йили олган формасини кийиш мумкин эмас эмиш. Бу ота-оналар учун иқтисодий зарар келтирмайдими?

Ҳар бир таълим муассасаси ҳар йили мактаб формасини ўзи истаганча ўзгартириши, ота-оналарни қандайдир кичик чехларда, дидизлик билан тикилган кийим-кечакларни сотиб олишга мажбур қилиши ортида нима турганини барчамиз яхши биламиз.

Тақлимим: мамлакат миқёсида мутахассислар томонидан чуқур ўйланган, боланинг физиологик, психологик жиҳатлари, маънавияти, диди ҳисобга олинган ягона мактаб формаси жорий қилиниши лозим ва бу формалар кўлбола чехларда эмас ростман фабрикаларда, ўта нозик дид билан тикилиши керак.

Биз эса хулоса ўрнида мутахассиснинг тақлифини кенг жамоатчилик, ота-оналар, мактаб мутасаддиларига ҳавола этамиз. Хўш, сизнингча юртимизда ягона мактаб формасини жорий этиш керакми?

Нигора РАҲМОНОВА,
“Оила ва жамият”
муҳбири

МАКТАБ БОЗОРИДАГИ МОЖАРОЛАР

КИЙИМ-КЕЧАК УЧУН ҚАНЧА?

ЎН БИР ЯШАР ҚИЗ УЧУН	САККИЗ ЯШАР УГИЛ УЧУН
45 минг сўмга оқ кофта	костюм-шим 130 минг сўм
60 минг сўмга юбка	туфли 65 минг сўм
7 минг сўмга бантик	оқ кўйлак 33 минг сўм
85 минг сўмга спорт кийими	кета 35 минг сўм
100 минг сўмга сумка	спорт формаси 85 минг сўм
14 минг сўмга бошқа зарур нарсаларини олдиқ	90 минг сўмга сумка
Жами 311 минг сўм	Пайпоқ, майка, ички кийимлар учун ҳам 42 минг сўм
	Жами 480 минг сўм

ўқув қуроллари учун 200 минг сўм ажратгандим, — дейди Хилола исмли аёл. — Афсуски, бу урвоқ ҳам бўлмас экан. Фарзандларим бу йил юқори синфга ўтгани боис кўпроқ қалин дафтарлар керак бўлар экан. 48 варақли дафтар 1300, китоб жилдлари 3500, дафтар ўрайдигани 4500, кундалик 5 минг, рўзномалар донаси 600 сўмдан, 12 варақли дафтарларни доналаб олсангиз 450, улгуржи савдода 200 сўмдан сотилапти.

— Мактаб бозорида савдо қилаётган савдогарлар терминал бор, деб ёзиб қўйишган. Лекин “30-40 минг сўм пул учун бозор ичига кириб юраманим”, деб пластик карточка орқали савдо қилишни истамайди, — дея суҳбатга қўшилди кекса харидор Комил ота. — Мана ҳозир пластик карточкамда 40 минг сўм пул қолганди. Дафтар-ручкасини олиб ке-

нинглар, мактаб бозорида вақтинчалик савдо қиламиз. Шу боис таниш-билишларнинг терминалидан фойдаланиб тураимиз. Уч-тўрт сўм фойда қолмаса, бу ерда ўтириб нима зарил?!

Маҳбуба МИРАҲМЕДОВА, Тошкент шаҳар оила маркази директори ўринбосари, оилашунос:

— Ҳозир айна тортишувлар палласи, десак ҳам бўлади. 7-8 ёшдаги болалар бир амаллаб йўлга солиш мумкин. Аммо 12-13 ёшлардаги ўғил-қизларни ўз йўригингизга юргазни осон эмас. Балоғат остонасидаги болаларга икки-та гап кўп, биттаси камлик қилади. Айримлар болани кўнглини ўқситмай, ёқтирган нарсасини олиб бериш керак, унинг диди ёшлиқдан шаклланади, дейишади. Бола барибир болалигига боради. У ҳаётни, атрофни тўлиқ баҳолай олмайди.

ЮҚОРИ СИНФЛАР УЧУН МАКТАБ ҚУРОЛЛАРИ

ЖИҲОЗЛАР	ИЖОДИЙ ТўПЛАМЛАР
48 варақли дафтар 1300	6 донади пластилин
китоб жилдлари 3500	6 минг, 8 донади 8 минг
дафтар ўрайдигани 4500	пенал 5 мингдан 18 минг сўмгача
кундалик 5 минг	клейнинг энг арзони 2500
ручкалар донаси 600 сўмдан	бўёқлар 6-16 минг сўм атрофида
12 варақли дафтарларни доналаб олсангиз 450, улгуржи савдода 200 сўмдан сотилапти.	расм дафтари 40 варақлиси 12 минг сўм

ДАВЛАТ ТОМОНИДАН БЕЛГИЛАНСИН

facebook

Анвар Нуриддинов:
— Мен ҳам оддий мактаб ўқитувчиси сифатида мактаб формаси бир хил ва сифатли бўлиши керак, деган фикрга қўшиламан ва киши мавсум учун ҳам алоҳида танлаш керак деб ҳисоблайман.

Гулнора Нуриддинова:
— Мен Бухоро вилояти Қорақўл туманидаги 19-мактабнинг математика ўқитувчисиман. Мактаб формалари кузи ва киши мавсумларга мўлжаллаб тикилса яхши бўларди. Бизнинг ўқувчилик давримизда мактаб формаси бир хил эди. Куз ва баҳорда

енгил матодан тикилган калта энглисини, қишда узун энгли қалин матодан тикилганини киярдик.

Зиқриллохон Эргашев:
— Тақлифга мен ҳам қўшиламан бу лойиҳага ақлли одам керак.

Муаззам:
— Ўқувчилар сунъий толали матодан тайёрланган кофталарни кийишга мажбур бўляпти.

Раҳимжон Турдиев:
— Узунроқ кийимларни тикиш керак.

Ҳамидулла Ризаев:
— Кийим нархи ҳаммани ҳам қониктирмайди, мактаб формалари

давлат томонидан дотацияланган бўлиши керак.

Умму Ҳидоят:
— Қизимнинг мактабида ҳам олдинги йили бошқача форма эди, бу йил энди оқ-қора дейишибди.

Моҳиғул Назарова:
— Ўғлим Автомобиль йўллари коллежида 3-курсга ўтди. Ўтган йили курс раҳбари мажбурлаб форма тиктиртди. Аммо сифатсиз тикув корхонаси сифатсиз матодан расво қилиб тикиб берди. Йил ўртасида бошқа шим ва оқ кўйлак олиб бердим.

Telegramм фойдаланувчиси: Ш:

(исмини ёзмади)
— Республика бўйича мактаб формаларининг ягона шакли дизайни ишлаб чиқилса. Ҳамма шароитдан келиб чиқиб тиктирса. Ушбу масалада мактабдаги форманинг дизайни, қаерда тикилиши ортида директор ё биронта уддабурон турган бўлади. Энди Тошкентда тикилса, бунинг ортидан ҳеч ким манфаат олмайди деб ким қафолат беради. Иқтисодий томондан ҳам харажати ошади. Размерлар ҳар хил. Ташкилий томони ҳам мураккаблашиб кетади.

ОТА-ОНАГА МЕҲР КЎРСАТИШ

ЭЪТИҚОД

Каъбул Ахбордан “Ота-онага оқ бўлиш нима?” деб сўрашганда у киши: “Ота ёки она фарзандига ишониб, унинг номидан қасам ичса, аммо фарзанд ота-онанинг ишончини оқламаслиги, ота-она бир иш буюрса, итоат қилмаслиги, бирор нарса сўраса, бермаслиги, омонат берса, унга хиёнат қилишидир”, деганлар.

Фарзанднинг ота-онага оқ бўлиши ана шундай кўнгилсиз ҳолатларда юз берар экан. Шунинг учун бу улкан гуноҳга ботишдан сақланиш учун ота-онанинг ҳақидан ниҳоятда эҳтиёт бўлишимиз керак. Ота-оналаримизга ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлишимиз, иззат-икром кўрсатишимиз, барча ишларда улардан маслаҳат сўрашимиз, “Булар кексайиб, қариб қолган, ҳозирги шарт-шароитни билмайди”, демаслигимиз керак.

“Қари билганини пари билмайди”, деган гап бекорга айтилмаган. Тўғри, уларда биздагидек куч-қувват йўқдир, зеҳнлари бизчалик ўткир эмасдир, сусайиб қолгандир, лекин уларда бизда йўқ нарса — ҳаёт тажрибаси бор. Улар бизга шундай неъмат ато қилишганки, биз уни уларга ҳеч қачон қайтара олмаймиз. Бу — Аллоҳ ато этган фарзанд меҳридир. Ота-онамиз бизга меҳр кўрсатганидек, биз уларга меҳр кўрсата олмаймиз, биродарлар! Биз бу меҳрни ўз фарзандимизга беришимиз мумкин, аммо ота-онамизга эмас! Бу табиий ҳол, фитратимизда бор нарса. Аммо шу иккита нарсанинг ўзи ота-онамиз биздан доим устун эканлиги, яхши муомаламизга, ҳурмат-эҳтиромимизга лойиқ бўлишлари учун етарлидир.

Ота-онанинг маслаҳатлари, насиҳатларини жону дил билан қабул қилиш, ота-она дам олаётганда безовта қилмаслик, уларнинг олдида баланд овозда гапирмаслик, гапириш уёқда турсин, ҳатто «уфф» демаслик, ота-онанинг олдин таомга қўл узатмаслик, ота-онанинг юқорида ўтирмаслик, улар олдида оёқ узатиб, ёнбошлаб ётиб олмаслик — буларнинг барчаси биз фарзандларнинг бурчимиздир.

Ҳар бир мўмин-мусулмон фарзанд ота-онанинг кўнглини топиб, уларнинг розилигини олиши шарт. Ота-онанинг озик-овқати, кийим-кечаги ва соғлигидан ўз вақтида хабар олиб туриш керак. Бу — фарз амалдир, уни қилмаган одам гуноҳдор бўлади. Агар биз ўз фарзандимизга ёки оиламизга ота-онамиздан кўпроқ эътибор қилаётган бўлсак, бу биз учун нуқсондир.



Аллоҳ раҳмат қилсин, марҳум устозимиз фазилатли шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратларига интернетдан бир савол тушган эди. Биз бу саволни қўриб, хайратланган эдик. Саволга диққат қилайлик: “Ҳазрат! Онам билан хотиним келиша олмаяпти. Қандай йўл тутаётган? Мен уларга қандай муомала қилай?”

Ҳазратнинг жавобларини қаранг: “Суф сизга, суф сиздек фарзандга! Суф, она билан аёлининг ўртасида нима қилай деб савол берган фарзандга!”

Дарҳақиқат, бу вазиятда нима қилай деб, бошқалардан сўраб юриш керак эмасди. Чунки ҳеч қачон она билан аёл бир даражада кўрилмайди. Чунки ҳар бирининг ўз ҳақлари бор. Уларнинг ҳақларини адолат билан жойига қўйиш лозим бўлади. Онанинг ҳаққини адо қилинг, аёлингизнинг ҳаққини ҳам адо қилинг. Ана шу адолат бўлади.

Қуръони Каримда ота-онага яхшилик қилиш, уларнинг ҳақларини адо этиш ҳақида бир неча ояти қарималар келган. Алҳамдулиллаҳ, уларни ҳаммамиз биламиз, тафсириларини ўқиямиз.

Динимизда, халқимизда ота-она билан бирга устозларни ҳам тенг ўринда ҳурмат қилиш маданияти бор. Ота улуг, отанинг ўз улуглиги бор, онанинг ўз улуглиги бор, ҳеч ким уларнинг ўрнини боса олмайди. Устознинг ҳақ улуглиги бор, унинг ҳам ўрнини ҳеч ким боса олмайди. Шунинг учун доим намозда ҳам, дуо қилганимизда ҳам ота-онани аввал зикр қилиб, сўнг устозлар ҳам эсланади, кейин жаммики мусулмонларни қўшиб дуо қиламиз.

Раҳматуллоҳ САЙФУДДИНОВ,
Тошкент Ислам Институти ўқитувчиси

Бугун айримлар сеҳр ва фол касаллигига чалинган. Аллоҳнинг каломи, Пайғамбаримизнинг (с.а.в) ҳадиси шарифларини бир четга қўйиб, шайтонга шогирд тушган фолбинларнинг сўзларига қулоқ солётганлар кўпайиб бормоқда.



ШАЙТОННИНГ ШОГИРДЛАРИГА АЛДАНМАНГ

ёхуд фолбин ва сеҳргарларнинг жамиятга зарари хусусида



ижтимоий зиддиятларга олиб боради. Бунинг энг кичиги одамлар ўртасида душманлик руҳи, ишончсизлик тарқатишдир. Фараз қилайлик, бир инсон фолбинга боши оғриётгани учун мурожаат қилди. Албатта, фолбин унга тиббий муолажа буюрмайди. У ўзининг содда мижозига: “Тўғри, мен ҳам сизни узоқдан кўриб, шу одамнинг боши оғриётган бўлса керак, деб ўйлаган эдим. Бунинг ўзининг тасдиқлаб турибсиз. Энди биз бир ожиз одамимиз, ҳамма нарса Яратганнинг ўзидан бўлади, келинг бир кўриб қўяй-чи”, дейди-да, ўзига

Энг ёмони, бу ҳолатга диний тус беришга ҳаракат қиладилар. Фолбин, сеҳргар, башоратчи ва ҳоқазолар эркак киши бўлса, эғнида чопон, бошида салла, қўлда тасбеҳ билан бирор дуоними, сураними чала ёдлаб, такрор-такрор ўқийди. Агар аёл киши бўлса, у ҳам ўзича шунга ўхшаш ғалати тадбирлар қўллайди. Оқибатда, одамлар бу нарсаларни динга алоқаси бор, деб тушунади, дунёдаги барча муаммоларни шу фолбин ёки дуохонлар ҳал қилади, деб ўйлайди.

Бўйи етган қизига совчи келмаётган оналар ҳам, кечаси уйқусида чўчиб кетадиганлар ҳам, иши юришмай қолган тижоратчилар ҳам, тузуқроқ мансабни мўлжаллаган амалпарастлар ҳам, омади келмай қолган қиморбоз ҳам, хуллас, кўпчилик уларга мурожаат этади. “Фалон жойда бир фолбин чиқибди, борганлар фойда топяпти экан, у фалончига ундай депти, пистончига бундай депти”, каби шов-шувлар тез тарқалиб, одамлар ўша томонга чопадиган бўлишган. Лекин шу фолбин ва сеҳргарларга бораётганлар ақлини ишлатиб, чуқурроқ тафаккур қилиб кўрмайди. Ўзлари эътиқод қилиб, кўтар-кўтар қилаётган одамлар кимлар, уларнинг “мўъжиза”лари нимадан иборат, бу ҳақда ўйлаб ҳам ўтирмайди.

Қизига совчи чиқмай фолбинга келган она ўша фолбин ёки дуохоннинг ўзи бева экани, оиласи бузилган ёки яқин кишиларида худди шу муаммо борлигига эътибор ҳам қилмайди. Тузуқроқ мансаб илинжида юрган амалдор, бу одамнинг кўлидан мансабга кўтариш келса, ўрнимга ўзи чиқиб олмасмиди ёки ўғлини, қариндошини кўтариб қўймасмиди, деб ўйлаб кўрмайди. Фолбин, дуохон ва бошқалар эса, келганларнинг ҳаммасини қабул қилиб, уларнинг бошини айлантиришда давом этаверадилар. Одамлар эса улардан инсонларга, жамиятга, эл-юртга тегаётган зарарни англаб етмайдилар.

Фолбин ва сеҳргарлар зарари фақат одамларнинг вақти, соғлиги, моли ва ҳаракати бекорга кетаётгани билан чегараланиб қолмайди. Бу зарар жиддий

хос хатти-ҳаракатлар қилгач: “Сизга илму амал қилишибди. Ё қариндошларингиз ичида ё маҳаллангизда ё бўлмаса иш жойингизда сизга нисбатан ёмон ниятли кишилар борга ўхшайди. Ўшалар илму амал қилган бўлса керак. Тупроққа дам солиб, сочган бўлишлари ҳам мумкин”, дейди. Шундан кейин боши оғриётган киши ҳаммадан шубҳаланиб, ўзига душман ахтара бошлайди. Ўзича чора-тадбирлар кўради. Натижада, жамиятда ўзаро душманлик ва ишончсизлик ортиб боради.

Баъзи туппа-тузук кишилар ҳам: “Ишонмаймиз-у, лекин бориб қўяверайлик-чи”, деб фолбинлар ҳузурига отланади. Бу иш тўғри эмас. Мўмин киши шубҳали нарсалардан узоқ юриши лозим. Мисол учун, ароқ ичмаса ҳам, ичганларнинг олдида ўтириши мумкин эмас. Ўтирса, гуноҳ бўлади. Шунингдек, фолбинга ишонмаса ҳам, олдида бориш нотўғри иш ҳисобланади.

Фолбинга борган одамнинг унга ишониб қолиш эҳтимоли кучаяди. Гуноҳга ботишнинг олдини олиш учун фолбинларга умуман мурожаат қилмаслик буюрилган. Шарият бўйича, бирор ишни қилмоқчи бўлган одам, аввало, яхши ўйлаши, ўрганиши, биладиганлар билан маслаҳат қилиши, шундан сўнг Аллоҳга таваккал этиб, иш бошлаши кўрсатилган. Агар бирор ишни қилиш-қилмаслиқни танлай олмай ҳайрон бўлса, маслаҳатлардан сўнг ҳам азму қарорга кела билмаса, истихора қилади. Истихора деб, бирор ишни бошлашдан олдин таҳорат олиб, ният қилиб, икки ракат намоз ўқишга айтади. Намоз охирида истихора дуоси ўқилади. Ухлаганида тушида бирон-бир ишора бўлади. Шунга қараб иш қилади.

Аллоҳнинг муқаддас каломи, Пайғамбаримизнинг (с.а.в) ҳадиси шарифларига амал қилиб яшаган, соғлом фикрли инсон адашмайди.

Алиқабар САЙФУДДИНОВ
Шербод тумани “Имом Термизий”
жоме масжиди имом-хатиби

ОЙНА

САВОЛ ОРТИДАГИ МАЛОЛ

Тадбирда ҳаммани оғзига қаратиб, маъруза ўқиган аёл билан йўли бир эканини билиб Дилдоранинг дили бироз хира тортди. Табиатан одамови бўлгани боис бегоналар билан тез чиқишиб кетолмайди. Айниқса, нотанишлар билан бўладиган суҳбатларни ёқтирмайди. Бу аёл билан кечадиган савол-жавобни ҳам хаёлан тасаввур қилиб, юраги орқага тортди. Аммо иложсиз эди. Аёл тез-тез юриб келиб, жилмайганча унинг кўлтигидан тутиб:

– Таксида кета қоламизми, гўзал қиз?

– Мен метрода кетмоқчи бўлиб тургандим. Ишхонам шундоқ метро бекатига яқин...

– Унда, юринг, мен ҳам сиз билан метрогача бораман.

Дилдора ичиди: “Еши катта аёл, ҳартугул, шахсий ҳаётимга қизиқиб, бошимни қотирмас керак”, дея ўйлади. Лекин шу ўйи кўнглидан ўтиб улгурмай аёл уни саволга тутди:

– Ўқитувчимсиз?

– Ҳа...

– Филологияни битирганмисиз?

– Ҳа...

– Нечанчи йили?

– 2001 йил...

– Фарзандларингиз нечта?

Дилдоранинг бошига оғриқ кирди. Яна ўша савол. Яна ўша оғриқ. Охири йўқ изтироб. Оғзи қуруқшаб, бир муддат тили сўзга келишига қолди. Сўнг ички бир изтироб билан:

– Фарзандим йўқ, – деди...

Шу тобда йиғлаб юборишдан ўзини аранг қилиб турарди. Қизиқувчан аёл эса жағи-жағига тегмай унга далда, таскин беришга уринар, унинг сўзлари Дилдоранинг кўнглига ўқдек

қадалаётганди. Қизиқувчанлик борасида ҳаммани йўлда қолдирадиганлар бор орамизда. Ўзига аҳамияти бўлмаган воқеа-ҳодисани ҳам ипидан игнасигача сўраб суриштирмас кўнгли жойига тушмайди. Мана шу одати сабаб инсонларнинг дилини оғритиб қўйишаётганини афсуски, улар англаб етмайдилар. Ўзимиз ҳам тап тортмай қавм-қариндош, таниш-нотанишнинг ҳаётига аралашамиз. Баъзан саволларимиз оҳангиди сўров-истақдан кўра таъна-маломат оҳанги яққолроқ сезилади.

“... Болалардан нечта?” Нотаниш кишига шу савол билан мурожаат қилишдан олдин: “Фарзанди бўлмасачи? Ёки оила қурмаган бўлса-чи? Балки фарзандига бирор қор-қол бўлгандир? Саволим билан ярасини тирнаб қўймасмиканман?” деган саволларни ўзингизга бериб қурганмисиз? Албатта, йўқ.

Айримларимиз гапираётганимизда оғзимиздан чиқаётган сўзларнинг тоштарозисини чамаламаймиз. Баъзан ўйламай айтилган сўз таъна ўрнига ўтиши ҳам ҳеч гап эмас. Яқинда шундай ҳолатга гувоҳ бўлдим. Уч-тўрт кишилик даврада ажрашган аёллар ҳақида гап чиққанди, таниш эркак: “Боласи билан эрдан чиққан аёл тузук бўлармиди, демак, ўша аёл ҳам яхши эмас”, деб юборди. Даврадаги аёллардан бирига бу гап маломатдай таъсир қилди.



деб, камига ҳамдард қиёфада қараб туришади. Бировнинг шахсий ҳаёти билан бошқаларнинг нима иши бор? Одамлар ўз ташвиши қолиб, бошқаларнинг дарду ҳасратини муҳокама қилиш билан умрини соғуриб юбормаяптими?..

– Ҳаётда ҳар қандай воқеа бўлади. Бола билан эридан ажрашган аёлларнинг ҳаммаси ҳам ёмон эмас. Сиз моҳиятини ўйламай гапириб юбордингиз. Аёл киши ҳар қандай вазиятда оиласини асраб қолишга ҳаракат қилади. Ҳеч қайси аёл учун ажрашиш энг яхши чора эмас!..

Гарчанд аёл ичидидаги гапларини тўкиб-сочган бўлса-да, ўйламай айтилган гапнинг ханжари кўнглига қаттиқ санчилгани аён эди. Мен эркакни зимдан кузатдим. Афтидан у бемаврид айтган гапдан хижолатда эди. Бироқ бу хижолатлик яраланган қалб оғригига малҳам бўлолмасди...

Кўпчилик бир оғиз савол ё бир жумла билан кемтик кўнглини синдириб қўйганини сезмай қолади.

– Баъзан серсавол инсонларнинг қизиқувчанлигидан шунчалик безиб кетаманки, жажлим чиққандан: “Сенга нима?” деб юборгим келади, – дейди таниш қиз. – Сал чехрамни очиб гапирсам: “Турмушга чиққанмисиз?” деб сўрашади. “Йўқ” десам, тап тортмай “Вой, нега турмушга чиқмагансиз?”

Ҳа, қизиқувчанликни касб қилган одам таниши-нотаниши, қариндошми-бегонами ким бўлишидан қатъи назар, ҳаёти билан боғлиқ ҳамма нарса-ни билишни истайверади. Турмушга чиққанми, фарзандлари борми, эри ёки хотини нима иш қилади, қайнона-қайнотаси қандай одамлар, маоши қанча, эғнидаги либоси неча пул туради, тақинчоғини қачон, қайси дўкондан олган ва ҳоказолар... бунки қарангки, шу қизиқишларимизни маънавиятимизни бойитадиган нарсаларга, дейлик китоб, газета ё журналлар ўқишга сарф қилсак, бир-икки кунга еттулик эмас, икки дунё саводига татиғулик илмга эга бўлишимиз мумкин. Аммо бизга юқоридаги одат, яъни одамларнинг шахсий ҳаётига қизиқиш ва аралашуш кулайроқ. Энг ёмони, бундай қизиқувчанлик инсонни тобора пастга тортаверади. Бора-бора майда-чуйда гап-сўзларга ўралашиб, улардан ҳалос бўлолмай умримизни ўтказиб юборамиз. Шу боис таниши, нотанишнинг шахсий ҳаётига аралашуш ўрнига маънавий-маърифий суҳбатлар курсак бўлмайми?..

Мулоҳазаларимизни аниқ бир ҳуло-са билан якунламадик. Чунки бу борада ҳали айтаримиз кўп. Аммо истагимиз, сўз билан, сўров билан кўнглиларни заҳарлашдан асрасин...

Умида АДIZОВА

ЎН МИЛЛИОН СЎМЛИК “ЭРТАК”

АКС-САДО

Ассалому алайкум “Оила ва жамият” тахририятининг ижодий ходимлари! Газетанинг шу йил 9 августдаги 31-сониди тўйлардаги дабдабозликларнинг олдини олиш мавзусида берилган туркум мақолаларни ўқигач, бу борада ўзимни ўйлантираётган айрим фикрларни ўртага ташлашга қарор қилдим.



«Тўй ҳаётингиздаги энг асосий мўъжиза! Уни сиз истаган тарзда ўтказиб берамиз!», «Тўйингиз эртақ каби ўтишини истасангиз бизга мурожаат қилинг!» Бундай чорловлар битилган рекламаларни бугун барча интернет сайтларида учратишимиз мумкин. Турмуш қураётган замонавий ёшлар эса тўйи бошқаларниқидан ўзгачароқ бўлишини истаиди. Ва табиийки, интернетдан шу ҳақдаги маълумотларни қидиради.

Биргина Самарқанд шаҳрининг ўзида худди шундай тўй хизматларини кўрсатаётган ўнлаб фирмалар бор экан. Уларнинг номи ҳам эътиборни тортади: «Еттинчи осмон», «Шарқона», «Бегим», «Наво» ва ҳоказо... Улар билан боғланганимизда тўйхонани безатишдан тортиб, келин-куёвни расмага тушириш, альбом, ресторанинг кириш йўлагига келин-куёвнинг сурати туширилган улкан баннер, «Севги тарихи» видеоролигини тайёрлаш, тўйхона узра қору, парлар ёғиши ва ҳоказо-ҳоказо хизматларни ташкиллаштириб беришларини айтишди. Ушбу хизматларнинг барчаси ёшларга (тўғрироғи ота-оналарга) 10-12 миллион сўмгача тушар экан. Бу хизматлар нарҳига алоҳида тўхталиб ўтмоқчи эмасман, аммо 3-5 дақиқалик “Love story” видеосини тайёрлатишнинг ўзига 2 миллион сўмдан 4-5

миллион сўмгача сарфлаш лозим экан... – Агар сизга замонавий «Love story»лар маъқул келмаса, миллий тарздагисини ҳам ташкиллаштириб берамиз, – дейди фирма ходимларидан бири. – Унда бўлғуси келин-куёв миллий либосларда суратга олинади. Жуда чиройли, ҳашаматли чиқади. Миллийликни фақат адрас либослару, куёвнинг зардўзи чопонида деб ўйлайган бу йигитчани айблamoқчи эмасман. Фақат ўйлаб-ўйламай бу хизматлардан фойдаланаётган ёшлар, ота-оналар дунёқарашини нечоғлиқ! Улар қачонгача бундай «сервис хизматчи»ларининг диди билан тўй ўтказишди? Эҳтимол, тўй ростдан ҳам мўъжиза, эртақдай ўтиши керақдир. Аммо мўъжиза ўз-ўзидан пайдо бўлмайди-ку! Унга меҳнат, машаққат билан эришилмайди-ми? Бобо-бувиларимиз айтганидай, оилавий ҳаётнинг пасту баландини сабр билан енгиб, қўша қариш – мана шунинг ўзи мўъжиза эмасми?..

Фарангиз ХУДОЁРОВА

ОГОҲЛИК Пойтахтимиздаги кўп қаватли аҳоли турар-жойлари, маъмурий бинолар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида шаҳарсозлик меъёрий қоидаларига, электр ва газ ускуналаридан тўғри фойдаланишга амал қилиш жуда муҳим.

БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Тошкент шаҳар ИИББ Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси ёнгинларнинг олдини олиш мақсадида қатор амалий тадбирлар ўтказмоқда. Байрамлар арафасида пойтахтимизга келадиган меҳмонлар сони ошади. Бундай пайтда айниқса, аҳоли кўп йиғиладиган жойларда – бозорлар, метрополитенлар, спорт иншоотлари, кинотеатрлар, аэропорт ва вокзалларда ҳаммаша сергак бўлиш даркор. Мабодо ёнгин келиб чиқса, одамларга катта зиён етиши мумкин.

Бундай ноҳус ҳолатлар юзга келмаслиги учун Тошкент шаҳар ИИББ Ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан учрашувлар режа-жадвали тузилиб, шаҳримиздаги аҳоли гавжум жойларда ёнгин техникасини намойиш этиш, аҳолини хавфсизлик қоидаларига ўргатиш учун тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Учрашувларда ўрнатилган тартиб асосида маъмурий бинолар, аҳоли гавжум бўладиган масканлар маъмурияти, хусусий тадбиркорлар ҳамда ишчиларига ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш мавзусида йўриқномалар тақдим этилмоқда.

Шу билан бирга, шаҳримизда содир бўлаётган ёнгинлар уларда тан жароҳати олган ва ҳалок бўлган инсонлар ҳақида ҳам маълумот берилмоқда. Ҳамюртларимиз ёнгин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя қилиш билан нафақат ўзларининг, балки атрофдагиларнинг ҳаёти ва мол-мулкни ҳам асраб қолиши ҳақида янада кенгроқ тушунчага эга бўлмоқдалар.

Бугунги кунда ёнгин хавфсизлиги ходимлари томонидан олиб борилаётган тушунтириш-тарғибот ишларини ота-оналар ўз уйларида ҳам давом эттириб, фарзандларига бу борада ўрнак бўлсалар ва уларни ёшлтигидан ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишга ўргатсалар нур устига аёло нур бўларди. Зеро, ёнгинларнинг олдини олишга барчамиз бирдек масъулмиз.

Қутбиддин НАСРИТДИНОВ, Бунёдкор ЁХБ кичик инспектори, катта сержант

ЭЪЛОН Каримбекова Гулмира Абдураул қизига Тошкент вилояти педагогика коллежи томонидан 2009 йилда берилган К №1392976/321 рақам билан рўйхатга олинган диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР қилинади.

"БОҒ"И БОР, "БОҒВОН"И ЙЎҚЛАР

СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

Донишманд халқимизда бир кўшиқ бор:

- Оталилар, оналилар
- Баланд тоғ устида ўйнар.
- Отасизлар, онасизлар
- Қабристон бошида йиғлар.

Қанчалар маҳзун кўшиқ. У тақдирнинг бешафқат ёзиғи туйфайли ота-онасидан жудо бўлганлар хусусида айтилган. Аксари ҳолда отаси, баъзан онаси тирик бўла туриб, улар дийдорига муштоқ фарзандлар қанча?!

Шоира Турсуной Содиқованинг таъбири билан айтганда, отали хонадоннинг томини қор босмайди. Отали хонадон шифтидан ёмғир ўтмайди. Отали хонадоннинг кўрғони мустаҳкам бўлади, ҳар қандай довул, тўфонлар унга писанд эмас. Отасиз хонадонлар-чи?..

Инсон ҳар гал: "Ота" ёки "Она" деганида вужудига, томирларига ғойибона илоҳий қувват оқиб кираркан. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, бир умр "Ота" каломини тилга олманган ёки ота-онаси ажрашиб, айро яшаётган гўдак вужудига бундай қувват қаердан кирсин, ахир?! Балки шу кемтиклик туйфайли уларнинг ранги заъфарондир.

Тахририятга бир аёл мурожаат қилди. Унинг оиласини яхши танирдим. Турмуш ўртоғи тушунган йигит. Улар мактабда кўнгиб юрган чоғларидан бир-бирларига ўнгирил қўйиб, кейинчалик турмуш қуришди. Бирин-кетин икки фарзандли бўлишди. Рўзғорчилик, баъзан ўзаро, баъзан катталарнинг аралашуви билан уларнинг уйда тез-тез майда-чуйда гаплар ўтавергач, келин қизалоқларини олиб, ота-онаси хонадонига кетиб қолди. Кувёв томон уни қайтариб олиб келиш учун одам кўйса, келин: "Алоҳида яшасак, розиман", дебди. Бу талаб кувёвнинг ота-оналарига маъқул келмади. Шу аснода



"Болаларнинг отаси номида ҳеч қандай уй-жой йўқ экан", деган важкарсонни эшитган келинлар тирик етим болалари билан ўша фарзандлар дунёга келган уйдан мосуво қилинаётганини адолатга йўйиб бўлармикин?!

кувёв бола ажрашиш учун судга мурожаат қилди. Оиланинг ўзаро келиши олиши учун берилган олти ой муҳлат тугамай туриб, уddaбурун ота-она бошқа келин тушириб олишди. Ваҳоланки, хонадон сардори қишлоқнинг зийли кишиси эди. Қонун ҳам, ўртадаги икки фарзанд ҳам писанд қилинмади.

Кувёв иккинчи марта уйланаётган куни у билан учрашдик. Оиласини тиклаш илинжида юрган келин катта қизчасини етаклаб келибди. Бола хонага кирди-ю, онанинг қўлидан чиқиб, отаси тарафга ўзини олди. Бағрига сингиб кетгудек ёпишиб олиб, тўлиб-тўлиқиб йиғлаб бошлади. Тўрт яшар қизчининг юрағи энди отаси уларга бегона бўлиб қолаётганини сезгандай тўлғанарди. Йиғиларларнинг кўзига ёш қалқди.

— Мен нима қилай, сабр тиласам кўнмади, энди катталарнинг райига қарши боролмайман, — дейди йигит гўдагини



бағрига босиб. — Мен ҳам шундай бўлсин, демагандим-ку. Қонуний никоҳсиз қанча-қанча одамлар уйланиб олаяпти-но, бир менга қолганда...

Хуллас, йигит қизлардан бохабар бўлиб туришни ваъда қилиб, вазиятдан чиқишга уринарди. Шу асно согинчи ором топиб, бағрида мириқиб ухлаб қолган гўдагининг тақдири бошқаларни безовта қилаётганини ҳис этмади, эта олмади. Унинг бутун ўй-фикри янги келин олдидаги хижолатчилик, нахотки, шунча оворагарчиликлар ҳавога учса, ими-жимиди ўтаётган кичиккина тўй тўхташиб қўйилса, деган хаёл билан банд эди.

Севиб уйланган аёлининг кечирим сурашлари, қизалоғининг изтироблари, йигит ишлайдиган ташкилот раҳбарлари, жамоатчилик вакилларининг панду насихатлари унга кор қилмади. Уша куни у ноқонуний уйланди. Уйим-жойим, оилам деб юғриб юрган келиндан қувёвнинг ота-онаси-ю, оналари шу тариқа уч олгандай бўлишди. Аммо ўз зурриёдларига бир умрга етгулик маънавий зарба берганларини англаб етишмади.

Энди масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Ота ўз фарзандларига етказган моддий зарар-чи? Ахир бу қизалоқлар ҳам бировларга қисинди бўлмай, ўз оиласида, ўз уйида яшашга ҳақли эмасмики?!

Бундай тақдирлар, икки, уч, ҳатто ондан ортиқ бола билан турмушдан ажраб, бошпанасиз қолаётганлар, ога-иниси уйда сизинди бўлиб яшаётганлар камми? Кўп ҳолларда ажрим пайтида мол-мулк мижораси қурилаётганда: "Болаларнинг отаси номида ҳеч қандай уй-жой йўқ экан", деган важкарсонни эшитган келинлар тирик етим болалари билан ўша фарзандлар дунёга келган уйдан мосуво қилинаётганини адолатга йўйиб бўлармикин?!

Мана бу ҳолатга нима дейсиз: Тўрт фарзанди бўла туриб, онанинг қистови билан эр ажрим учун фуқаролик судига ариза билан мурожаат қилди. "Тўғри қилдинг, қатор-қатор туғиб олдим, ҳеч ким мени ҳайдаб юборолмайди, деб ўзидан кетиб қолувди-да, мана энди додани кимга айтаркин? Бирор жойга уч кунда бир борадиган қоровул бўлиб ишга кириб, ўша маошдан болаларингга нафақасини



тўлайверасан (Ваҳоланки, эр олди-сотди билан шугулланиб, яхшигина даромад қиларди). "Эр кишига хотин йўлда, фарзанд белда", деди келин билан аввалдан қиқишолмаган қайнона.

Бировларнинг маслаҳати билан судга: "Фарзандларимнинг бошпанаси йўқ, мен ажримга рози эмасман", мазмунидидаги бир парчагина қоғозни ташлаб қўйган келин: "Бизни ажратиб юборишармиди. Ахир ўн беш йиллик бирга кечган умримиз, уч ўғил, бир қизимизнинг юзи-ҳурмати бор-ку. Бир куни келиб бизни олиб кетишади", деган хомхаёл билан юраверди. Ақасининг болалари билан ўртада жанжал чиққанда ҳам, келинойиси ўғлини "етимча" деб таққирлаганда ҳам сабр қилди. Онаси: "Тўрт боланг билан мендан кейин қийналасан, уйингга олиб бориб қўй", деса: "Эр-хотин аҳил эдик, ўзимиз борсак, қайнонам янаям ерга уриб юборади, бизни болаларимнинг отаси албатта, олиб кетади, мана кўрасиз", деган ишонч билан йўл қаради. Ҳатто алимент талаб қилмади.

Бир йилки, болалар ота дийдорига зор, она эса меҳрдан умидвор кун ўтказдилар. Шу тўрт норасидаси ризқини топаман, дея онаизор ҳам дўппи тикди, ҳам одамларнинг уй юмушларини қилди. Суддан қақирув қоғози келганда шифонога тушиб қолганди. Тузалиб, судга йўлиқса, у ердагилар: "Икки бор қақирув қоғози юборсак, келмадингиз", дея қўлига ажрим варақасини тўтқазибди. "Пули бор одамнинг иши ўнг бўлаверадими? Нега суд менинг розилигимни олмай ажратиб юборди? Уғилларимнинг каттаси ўн учга, кейингиси ўнга, учинчиси еттига, қизчам тўртга қиряпти. Алиментга берсам, ойига тўлайдиган пули бор-ўйги 150 минг сўмга тўғри келаркан. Олди-сотди билан толаётган пули тadbриқор бўлиб рўйхатдан тутмагани учун ҳисобга олинмасмиш. Қоровулликдан 300000 сўм атрофида ойлик оларкан-да. Бу пул тўрт тирик жоннинг ейиши, кийиши, бир сўз билан айтганда, яшашига урвоқ ҳам бўлмайди-ку!", деб қирқиллаётган аёлга қаердан нажот бор? Ажрим, гарчи бир томоннинг розилигисиз бўлса ҳам, эрхотин ўртасида бўлди. Болалари унинг меҳридан мосуво бўлса-да, эркак киши

ота бўлиб қолавериши керак эмасми?! Ажрашган пайтида эрнинг номида ҳеч қандай мол-мулкнинг йўқлиги унинг зиммасидаги оталик масъулиятдан бутунлай соқит қилмайди-ку!

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Аксари ҳолларда оилавий ажрим орқасидан аёллар жабрланиб, фарзандининг ҳам моддий таъминоти, ҳам маънавий тарбияси унинг нозик гарданига тушаётгани ҳаммага беш қўлда аён. Оилаларни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, тарғибот тушунтиришларга қарамай, ажримлар, унинг ортидан тирик етимлик домига ташланаётган болалар сони ортса-ортяптики, қамаймапти. Қачонгача эр-зимас мижоролар, катталарнинг:

"Икки бор қақирув қоғози юборсак, келмадингиз", дея қўлига ажрим варақасини тўтқазибди. "Пули бор одамнинг иши ўнг бўлаверадими? Нега суд менинг розилигимни олмай ажратиб юборди?"

"Сени бир доғда қўйай", қабилидаги бемаъни хатти-ҳаракати ортидан гўдақлар бир умр ўқсиклик гирдобига отилади?!

Ииртқиҳ хайвон ҳам ўз боласини тишлаб юриб, оёққа турғазди. Ахир биз инсонмиз-ку! Не разолатки, ўз кўнгиб қонидан бино бўлган фарзанди кўчада мунгайиб юрганида унинг онасига аччиқ қилган ота машинада гердайиб ўтиб кетса-ку?!

Бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш учун "Оила" кодексининг 30-моддасига ўзгартиш киритиш вақти келмадимикин? Шу модданнинг "Никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олингунига қадар ҳам, шунингдек, никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин", деган бандидидаги охириги "мумкин" сўзини "шарт" сўзига алмаштирилиши оилавий ажримларнинг пайини қирқибгина қолмай, никоҳнинг муқаддаслиги ва қадрини оширган бўлур эди. Шунингдек, никоҳ шартномасида тўғилажак фарзандларнинг оиладаги ҳақ-ҳуқуқлари ҳам олдиндан белгилаб қўйиларди.

Хадичахон **КАРИМОВА**, журналист

Oilavajamiyat
Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

Обуна индекси – 176

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси,
"Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш" ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди

Бош муҳаррир: Воҳид Луқмонов

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент – 100000.
Амир Темури кўчаси
1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс) 233-28-20,
Котибхона: 233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида **0169** рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 826. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади – 5021. Баҳоиси келишларин нарҳда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00

Навбатчи: **Н. Раҳмонова**
Мусахҳиҳ: **С. Сайдалимов**
Саҳифаловчи: **А. Маликов**

ISSN 2010-7609

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

1 2 3 4 5